Ушбу сонда: 2-3 БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР! 4 СЎЛИМ ДИЁР НАВОСИ

ХИСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 1 октябр, чоршанба № 153 (1578)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ПАХТАБАНК» КРЕДИТИ ҲИСОБИГА

«Пахтабанк»нинг Китоб туман бўлими кредитлари ҳисобидан ўттиз иккита янги иш жойи очилди.

Банкнинг шу йилнинг январ-июл ойларида 74 хўжалик субъектига 304,7 миллион сўм кредит берди. Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан тузилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Китоб туманидаги «Ҳосил» фермер хўжалигига автомобилларга хизмат кўрсатиш ва ёнилғи билан таъминлаш мақсадида ўн миллион сўм, «Нур» кичик корхонасига йигирма миллион сўм, «Океан», «Афросиёб» каби кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўзлари лойиҳалаштирилган иншоотларни қуриш, минитехнологиялар сотиб олиши учун етарли миқдорда кредит берилди.

Бу маблағлардан унумли фойдаланилганлиги боис мазкур жамоалар иқтисодий юксалиш йўлидан бормоқда. Муҳими, аҳолининг муайян қисми ишли бўлди.

(ЎзА)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 сентябр куни Оқсаройда Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Алини қабул қилди.

Ўзбекистон ИТБнинг яқинда бўлиб ўтган йиллик мажлисида ушбу банкка аъзо сифатида қабул қилинган эди. Ундан, аввалроқ, июн ойида эса, Президент Ислом Каримов Эронга расмий ташриф чоғида Теҳронда Аҳмад Муҳаммад Али билан учрашиб, ҳамкорлик истиқболлари юзасидан музокара ўтказганди.

Шу кунларда пойтахтимизда ИТБнинг Инвестицион конференцияси ўтказилгани Ўзбекистон билан мазкур банк ўртасидаги ҳамкорлик катта суръат билан ривожланаётганини кўрсатади. Анжуман нафақат Ўзбекистоннинг ИТБ билан алоқалари, балки банкка аъзо мамлакатлар ишбилармон доиралари, у камраган минтақадаги кенг сармоядорлар ҳамжамияти билан ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга йўл очади.

Ислом тараққиёт банкининг ўзига хос жиҳати шундаки, у сиёсий ё мафкуравий нуқтаи назардан эмас, аъзо мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Шу боис ИТБ фаолияти асосан иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаларни, ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашиш, техникавий ёрдам кўрсатиш каби соҳаларга йўналтирилган. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, минтақавий лойиҳаларни молиялаштириш ҳам устувор соҳалардан саналади.

Ўзбекистон ва ИТБ икки томонлама асосда ҳамкорликни йўлга қўйиш баробарида, минтақа миқёсида ҳам қалин алоқа ўрнатган. Бу борада Афғонистонда коммуникация тармоқларини барпо этиш, таъмирлаш ва ривожлантиришга қаратилган халқаро лойиҳа доирасидаги ҳамкорликни қайд этиш мумкин.

Оқсаройдаги учрашувда мазкур банк билан ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, биргаликда янги лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

«Пахта-2003»

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида етиштирилган пахта ҳосилини тез ва соз йиғиштириб олиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида ҳам мавсум ишлари айни қизғин паллага кирди. Воҳанинг Сариосиё, Денов, Олтинсой, Қумқўрғон ва Термиз туманларида ҳар куни йиллик режанинг 3,5-4 фоизи миқдорида пахта ҳосили йиғиштирилиб, қабул пунктларига топширилмоқда. Муҳим ишнинг бу қадар уюшқоқлик билан олиб борилишида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман қўмиталари, шунингдек, бошланғич ташкилотларнинг хўжалик маъмуриятлари билан ҳамкорликда пухта иш юритаётганлиги ҳам муҳим рол ўйнаяпти.

РАҒБАТ — МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари эрта баҳорда 609 гектар майдонга серҳосил чигит навларини экишган эди. Йил давомида қилинган заҳматли меҳнат ўз самарасини берди. 17 нафар оилавий пудратчига ажратиб берилган пахта майдонларида мўл ҳосил етиштирилди. Бинобарин, бугун хўжалик пахтазорларидаги лўппи-лўппи бўлиб очилган «оқ олтин»ни кўриб кўз қувнайди. Ҳар бир туп ғўза ҳосилини гўёки кўз-кўз қилгандек, бунинг учун бободеҳқонга таъзим бажо айлаётгандек эгилиб турибди. Ҳайратимизни сезган оилавий пудратчи Малика Суюнова шундай дейди:

– Салкам 40 гектар майдонда парваришланган ғўзаларимиз биз кутгандан ҳам зиёда ҳосил берди. Биринчи теримдаёқ режанинг 83 фоиз ҳосилини йиғиштириб олдик. Ҳозир далаларимизда ғайрат-шижоат кўрсатаётган теримчиларимизнинг ҳар бири кунига 110-130 килограммдан пахта теришмоқда. Улар учун дала шийпонимизда барча қулайликлар мавжуд. Дала бошида иссиқ овқат берилаяпти. Ҳар беш кунда ҳақ тўланмоқда. Яна бир гап, хўжалигимиз раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев мавсум якунида энг илғор теримчини шахсий маблағи ҳисобидан 50 минг сўм билан рағбатлантиришини ваъда қилди.

Хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Алимардоновнинг таъкидлашича, ҳар беш кунлик иш натижасига кўра энг юқори ҳосилдорликка эришган оилавий пудратчига хўжалик ҳисобидан бир бош қўй ҳамда гуруч, ўсимлик ёғи каби озиқ-овқат маҳсулотлари мукофот тариқасида берилмоқда. Бундан руҳланган Тўра Бойқобилов, Равшан Маматқулов, Норой Юсупова, Аҳмад Тўраев сингари оилавий пудратчилар сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Мавсум якунига кўра эса ғолиблар турли қимматбаҳо совғалар, вилоят ва республика сиҳатгоҳларига йўлланмалар билан тақдирланади.

Ҳозирда хўжалик пахтазорларида минг нафардан ортиқ теримчилар меҳнат қилишаяпти. Мавжуд 14 та дала шийпонида барча шароитлар яратилган. Чунончи, теримчилар тушлик вақтида мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун радио, телевизор ўрнатилган. «Маънавият ва маърифат» хоналарининг узлуксиз ишлаши матбуот нашрлари билан яқиндан танишиш имкониятини яратмоқда. Бундан ташқари, дала шийпонлари атрофидаги мевазорларда етиштирилган полиз экинлари ва мевалар деҳқонлар дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Пахта йиғим-теримини зўр уюшқоқлик билан олиб бораётган хўжаликлардан яна бири Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номли ширкат хўжалигидир. Хўжалик аъзолари 7300 тонналик улкан «оқ олтин» хирмони бунёд этиш ишқида жавлон уриб меҳнат қилишмоқда. Ҳозирда пахта ҳосили кунига йиллик режанинг 4-5 фоизи миқдорида йиғиб-териб олинмоқда.

– Ҳатто Д.Жовлиев, К.Давлатов, Б.Сайфиддинов, С.Суюнов каби пудратчиларимиз йиллик режани бажаришга эришдилар. Яқин кунлар ичида уларнинг сони янада ортади, - дейди хўжалик бошқаруви раиси Маманазар Эрдонаев. – Негаки, хўжалик касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилди. Теримчиларга барча зарур жиҳозлар олиб берилди. Айни кунларда қишлоқ врачлик пункти шифокорлари малакали тиббий хизмат кўрсатишаяпти. «Янгиер» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти томонидан кўчма савдо дўконлари ташкил этилган.

Рағбат-муваффақиятлар калитидир. Буни тўғри англаб етган хўжалик маъмурияти томонидан илғор теримчилар ҳар беш кунда 10 минг сўм миқдоридаги мукофот билан тақдирланмоқда. Мавсум якунида илғор оилавий пудратчилар ва теримчиларга хўжалик ҳисобидан 2 миллион сўмлик совғалар, касаба уюшма қўмитаси томонидан эса 2 та республика, 6 та вилоят миқёсидаги сиҳатгоҳларга йўлланмалар ажратиш кўзда тутилган.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

АНЖУМАН САМАРАЛИ ЎТДИ

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Инвестицион конференцияси ниҳоясига етди. Тадбирнинг иккинчи куни иштирокчилар пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти» кўргазмасида бўлди.

Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев ҳамда ИТБ президенти Аҳмад Муҳаммад Али очди.

Маросимда ушбу кўргазма мустақил Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодий тараққиётини намойиш этувчи муҳим тадбир эканлиги қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари пойтахтимиздаги «В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти ҳамда «Хобас-ТАПО» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Анжуман Ўзбекистон ва ИТБга аъзо мамлакатлар ишбилармон доиралари ўртасида музокаралар билан якунига етди. Мулоқот чоғида томонлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг истиқболлари хусусида фикр алмашди, анжуманнинг самарали ўтганлигини таъкидлади.

(ЎзА)

Касаба уюшма ҳаёти

КАМ ТАЪМИНЛАНГАНЛАР КОРХОНА ОТАЛИҒИДА

Ҳиссадорлик жамиятимизда меҳнат қилаётган ҳайдовчилар, чилангар, чиптачи ва бошқа хизматчиларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш учун бир қатор ишларни амалга оширяпмиз. Хусусан, 11 нафар ходимлар «Автомобилчи», «Нов», «Хумсон» каби санаторий ва дам олиш уйларида саломатликларини тиклаб қайтишди.

Бунинг учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласида истиқомат қилаётган кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларининг ёзги соғломлаштириш масканларида дам олишлари учун кўмак берилди. Автосаройда меҳнат қилаётган ва маҳаллада яшаётган 94 нафар аёлларга ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди. «Наврўз» байрами, Хотира ва қадрлаш куни ва бошқа айёмлар ҳам корхонада кўтаринки кайфиятда нишонланади. Автосаройда меҳнат қилиб қарилик гаштини сураётган фахрийлар, Афғон уруши қатнашчилари ҳамда кам таъминланганлар доимо рағбатлантирилади. Ҳамкасблар орасида ўрнак кўрсатиб барча вазифаларни бекаму кўст бажариб келган 77-йўналиш автобус ҳайдовчиси Мирзоҳид Каримов, 69-йўналиш ҳайдовчиси Геннадий Лялин ва 2-йўналиш ҳайдовчиси Алижон Рўзиевлар корхонамиз фахрига айланишган. Шу боис улар доимо касаба уюшма қўмитаси томонидан тақдирланиб борилади.

Автокорхонада қурилиш ва ободонлаштириш учун ҳам бир қатор ижобий ишларни амалга оширдик. Масалан, бу ерда шу йил давомида 80 ўринли замонавий жиҳозланган ошхона ва дам олиш хоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ишчи-ходимлар бундай эътибордан руҳланиб, автосаройни пойтахтдаги энг унумдор корхоналардан бирига айлантириш учун фидокорлик билан меҳнат қилишмоқда.

Шуҳрат МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент шаҳридаги «7-Автосарой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида қузатилаётган хурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган ижодий ишларда қуйидаги мавзу ва йўналишлар ўз аксини топиши лозим:

Мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар

Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши

Она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат

Миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар

Кишилар онгида, руҳиятида ва қалбида қузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари

Фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчилик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси

Мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари

Буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар қўлами.

Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги байрами арафасида мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолибларини қимматбаҳо совринлар кутмоқда.

Ижодий ишлар икки нусхада 2004 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танлови ҳайъатига

Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-37-87

УРГАНЧЛИК САХОВАТЛИ КИШИ

Хоразмда ҳалол меҳнати, хайру саховати билан эл-юрт ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган кишилар кўп. Ана шулардан бири Арслонбек Исмоиловдир. Кейинги йилларда унинг саъй-ҳаракати билан Урганчда ўнга яқин тадбиркорлик субъектлари очилди. 100 га яқин одам янги иш ўринлари билан таъминланди. Жумладан, Урганч шаҳридаги маҳаллалардан бирида 28 киши ишлайдиган тикув цехи иш бошлади. Тадбиркор томонидан ташкил этилган қорамолчилик фермаси урганчликларни сут билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, шаҳарда замонавий услубда қурилган «Авесто» меҳмонхонаси келиб-кетувчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Урганч шаҳридаги «Оби ҳаёт» маҳалласида 300 ўринли тўйхона қурилишида охирги таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ишбилармон вилоятда ўтадиган оммавий-маданий, спорт тадбирларини ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпти. Айниқса, шаҳардаги ногиронлар, кам даромадли оилалардан бир қисми тадбиркор хайру саховатидан доимий баҳраманд бўлаётир.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

Муаммо кўндаланг қўйилади

Бир пайтлар Қарши даштини ўзлаштиришда фаол қатнашган, улкан ва кўркам иншоотлар барпо этган «Гидроқурилиш» ташкилоти бугунги кунга келиб таназзулга юз тутди. У йирик қурилиш трестидан очиқ ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг ҳам бозор иқтисодиёти талабларига мослаша олмади. Бунинг асосий сабаби эса жамоада уюшқоқлик ва ишчанлик йўқлиги, раҳбар, кадрлар, мутахассисларнинг билим ва малакаси етишмаслиги, корхонани ривожлантириш режалари сусткашлик билан амалга оширилаётганлигидадир.

РАҲБАР ЎЗГАРДИ

лекин «Гидроқурилиш» ташкилотида ўзгариш сезилмади

Аҳволнинг ўнгланишига кўзи етмаган жамиятни собиқ раиси Икром Юсупов ўз аризаси билан вазифасидан бўшаб кетди. Аввалги бош муҳандис Аҳад Турсунов раисликка сайланиши билан корхона фаолиятида ўзгаришлар бўлиши кутилган эди. Аммо ҳозир ҳам ишда силжиш сезилмаяпти. Палапартишлик, лоқайдлик ҳолатлари давом этмоқда...

Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги 8-механизациялашган кўчма жамланма банкрот деб эълон қилиниб, молмулки сотувга қўйилди. Бўшаб қолган ходимларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш ҳеч кимнинг эсига келгани йўқ.

Ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Шавкат Ўриновнинг таъкидлашича, бажарилган қурилиш-ускуналаш ишлари учун буюртмачи ташкилотлар маблағларни вақтида ўтказиб бермаяптилар. Оқибатда қурилиш материалларини сотиб олишда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Биз жамият фаолияти билан танишиш учун борган пайтимизда электр энергияси ва телефон алоқаси узиб қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Маълум бўлишича, корхонанинг Нишон электр тармоқлари идорасидан 598 минг сўм қарзи борлиги учун энергия бериш тўхтатилган экан.

Президентимизнинг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш, юқори самарадорлик ва сифатга эришиш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Шундан келиб чиқиб корхонанинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, техник имкониятларни кенгайтириш чора-тадбирлари кўрилмаяпти.

Нишон туманидаги агроиқтисодиёт коллежини қайта таъмирлаш учун тендер савдосида ҳиссадорлик жамиятининг 22- механизациялашган кўчма колоннаси ғолиб, деб топилган. Аслида тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган цех ва полигонлар амалда яроқсиз бўлган машина ва механизмлар сони ошириб кўрсатилган. Эндиликда ана шу нарса панд бераяпти.

Жорий йилнинг апрелидан бошлаб кўчма жамланма касб-ҳунар коллежини таъмирлашда қатнашмоқда. Жамоа бошлиғи Нормурод Маҳмудов вилоят телевидениеси мухбирига берган интервьюсида «Ўқув юртни биринчи навбатини «Билимлар куни»га қадар фойдаланишга топширамиз», деб мақтанган эди. Амалда эса бундай бўлмади. Ваъда-ваъдалигича қолиб кетди.

Сифат учун ҳаракат қилинмаяпти. Бош муҳандис Қўлдош Давроновнинг таъкидлашича, кўчма жамланма ҳисобидан таъмирлаш юмушларига 150 ўрнига 52 нафар ишчи жалб қилинган. Бундан ташқари, шартнома асосида ишлайдиган 13 та ташкилотнинг 300 нафардан ортиқ қурувчилари ҳам қатнашмоқда.

750 талаба ўқийдиган, 200 ўринли ётоқхона ва бошқа ёрдамчи иншоотларга эга, лойиҳа қиймати 964 миллион сўмлик касб-ҳунар коллежи қурилишининг сифати талабга жавоб бермайди. Биноларни таъмирлашда қатнашаётган 2-, 12-механизациялашган кўчма жамланма, механизациялашган ишлар бошқармаси, 506-хўжалик ҳисобидаги механизациялашган кўчма колонна, «Қаршиирмонтаж»га қарашли ишлар бошқармаси каби ташкилотлар сусткашлик билан ҳаракат қилмоқдалар.

«Илк қадам», «Ал-жавҳар», «Ал-Саид», «Келажак», «Нурмаҳмуд», «Яшнар», «Меъмор», «Сумалак» сингари хусусий корхоналар қурилиш материаллари ва иш ҳақи билан ўз вақтида таъминланмаганлиги сабабли белгиланган режалар бажарилмай қолаяпти.

Кўчма жамланма жорий йилда 546 миллион, келаси йили 328 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириши керак. Агар аҳвол шу зайлда давом этаверса, қурилиш-ускуналаш юмушларида сифат ва суръат бўлмаса пировардида қутилган натижага эришиш қийин.

– Энг муҳими цемент етишмаяпти, - деб зорланишади қурувчилар. – Бошқа қурилиш материаллари таъминоти ҳам яхши эмас.

Иншоотларни шартномада белгиланган муддатларда ишга туширишда тендер танловларида аниқ белгиланган. Қурилиш бораётган нуқтада вилоят ва туман ҳокимликлари, ҳиссадорлик жамияти раҳбарларини тез-тез учратасиз. Гўёки улар ишнинг боришини ташкил этиб, назорат қилиб туришибди. Натижа эса юқоридагидек, яъни қурилишда ўзгариш сезилмаяпти.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да халқ таълими муассасалари олдига ҳур фикрли, истиқлол ғояларига фидойи, билимдон, баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси қўйилган.

Шу боис маорифчиларимиз бу борада куч-ғайратлари, билим ва тажрибаларини аямаётирлар.

МАСОФАДАН ТУРИБ ЎҚИТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Туманимизда 2 та лицей, 2 та гимназия, 5 та мактабдан ташқари муассаса, 42 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда. 30 минг нафарга яқин болаларга таълим бераётган илмгоҳларимизни жаҳон таълим тизимига мувофиқлаштириш, шу асосда унинг сифатини янги босқичга кўтаришга эътибор қаратилмоқда. Масофада туриб ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан 18, 43-умумтаълим мактабларига ўқув жиҳозлари харид қилиш учун бюджет маблағларидан 10 миллион сўм ажратилди. Ҳомий ташкилотларнинг 11 миллион сўмлик маблағлари ҳисобига 20 та синфхона қурилди.

Ўқув жараёнига янги педтехнологияларни жорий этиш, ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, узлуксиз услубий хизматни такомиллаштириш таълим тизимининг долзарб вазифаларидан биридир. Негаки, бугунги кунда таълим жараёнини компьютерлаштириш, ахборот технологиясидан кенг фойдаланиш, хусусан интернетга уланишсиз таълим-тарбия ишларини тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада халқаро жамиятлар билан баҳамжиҳат фаолият юритаяпмиз. Япония, АҚШ элчихоналарининг беғараз ёрдамлари, айниқса катта бўлаяпти. 43, 42-мактаб синфхоналари Японияндан келтирилган китоб жавонлари, тикув машиналари, аудиовидео, ксерокс, магнитофон, рангли телевизор, ленгафон каби ўқув-ахборот воситалари билан жиҳозланди.

Эндиликда ўқувчиларимиз машғулотларида синфда ўтирган ҳолатда, интернет билан уланиб, исталган мамлакатлардаги мактабдошлари билан ахборот алмашишлари, дискетлар кўмагида қўшимча маълумотларни олиш имкониятларига эга.

Республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари, «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловларида ўқувчиларимиз, талабаларимиз, устоз ўқитувчиларимиз фахрли ўринларни эгалламоқдалар. 26-мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан Ҳамрали Турдиқулов «Қувноқ стартлар» вилоят кўригида биринчи ўринни олиб, республикага йўлланма олди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонини олган физика фани ўқитувчиси Маннобжон Эргашев, «Шуҳрат» медали нишондори Мавлонжон Жўраев, «Соғлом авлод» орденига мушарраф бўлган Раъногон Олимовалар туманимиз маорифчиларининг ифтихоридир. Муҳаммаджон Шаматов раҳбарлик қилаётган чуқурлаштирилган ҳуқуқий билимлар лицей-интернатининг 20 нафар талабаси тест синовларини муваффақиятли топшириб, янги ўқув йилини олийгоҳларда бошлашди.

Ёшларни жисмоний соғлом, бардам-бақувват инсонлар бўлиб камолга етишларида спорт-соғломлаштириш ишларининг аҳамияти беқиёс. Туманимизда битта футбол, битта спорт мактаби, 37 та соғломлаштириш гуруҳлари ишлаб турибди. Уларда 500 нафар ёш спортчилар жисмоний чиниқиш мактабини ўтаётирлар. Андижонда ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларида туманимиз ўқувчи ёшлари волейбол, енгил атлетика, бокс бўйича 4 та олтин медални қўлга киритганлиги спортга бўлган ҳавас, интилиш нақадар кучли эканлигини кўрсатди.

Қувончлиси, маорифчиларимиз ўртасида спортчи ўқитувчилар оиласи сафи кенгайиб бормоқда. Қўл тўпи, эркин кураш, шоҳмот-шашка, оғир атлетика бўйича оилавий спортчи ўқитувчилар беллашувлари анъанага айланган. Толик ва Клара Рубенлар енгил атлетика бўйича республикада 3-ўринни қўлга киритишди. Таълим ходимлари ўртасида Асака шаҳрида бўлиб ўтган тармоқ касаба уюшмалари мусобақасида эса марҳаматлик маорифчи футболчилар чемпион бўлишди.

Маорифчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашда тармоқ касабақўми билан маъмурият баҳамжиҳат иш юритмоқда. Жамоа шартномасида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўқитувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, ташаббускорларни рағбатлантириш, тадбирлари махсус бандлар билан кафолатланган.

Жорий ўқув йилида кам даромадли оилаларнинг биринчи синфда ўқиётган болаларидан 3300 нафарига 11 турдаги ўқув қуроллари, дарсликлар бепул етказиб берилди. 5-8-9-синфларда таълим олаётган 1269 нафар ўқувчи ва талабалар кузги-қишки кийим-бошлар билан таъминланди.

Ходимларнинг меҳнат муҳофазасини амалга оширишда ибратли ишларимиз кўп. «Билимлар куни» муносабати билан халқ маорифи ривожига алоҳида ҳисса қўшган устоз ўқитувчилар, нуроний педагоглар, боқувчисини йўқотган оилаларнинг вакилларини бир пиёла чой баҳонасида кўнглини олишга одатланганмиз. Меҳр-мурувват кишиларни бошини қовуштиради. Касабақўм ва маъмуриятнинг қўшма қарори билан 48 нафар эҳтиёжманд маорифчиларга моддий ёрдам уюштирилди. 20 нафар устоз муаллимлар касаба уюшма йўлланмаси билан санаторий ва дам олиш уйларида мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

Абдухалил СУЯРҚУЛОВ,
Марҳамат туман халқ таълими бўлими мудири

Ислом КАРИМОВ:

Дунёда энг шарафли касб эгаси бўлган сиз – ўқитувчи, мураббий ва устозлар зотини асрлар давомида улуғлаб, олижаноб меҳнатингизга юксак баҳо берилади, шаънингизга таҳсин ва тасаннолар айтилади. Лекин, барибир бу таърифларнинг барчаси сизларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнингизни, унинг камолоти учун қилган буюк хизматларингизни тўла ифода этолмайди.

МАКТАБДА ИЖАРА УСУЛИ

Мустақил фикрли, чуқур билимга эга, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Бу борада Тўрткўл туманида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда туман халқ таълимига қарашли 70 та умумтаълим муассасаларида 37939 нафар ўқувчи ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, туркман тилларда таҳсил олишаётир. Туман халқ таълими бўлимида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш бўйича ўтган ўқув йилидан бошлаб ижара усули йўлга қўйилди. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ота-оналар дарсликнинг 25 фоизини тўлайдилар. Ижарага берилган дарсликлар эса 4 йилга мўлжалланган. Шундай қилиб, туман бўйича жами бўлиб 136 миллион сўмлик дарслик олиб келиниб, ўқувчиларга тарқатилди. Ўтган ўқув йилида ижара ҳақининг 36 млн. 605,2 минг сўми тўланди.

Ижара усулининг қўлланилаётганлиги туфайли тумандаги барча мактаб ўқувчилари дарсликлар билан таъминланди.

—Ўқувчи учун ҳам, ота-оналар учун ҳам, жуда қулай,– дейди туман халқ таълими бўлимининг ўқув дарсликлари бўйича методисти Нурилла Рўзимов. – Аҳамиятлиси шундаки, ўқувчилар дарсликлардан унумли ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, келгуси йилда ҳам уларнинг яроқлилигини сақлаш учун асраб-авайлашмоқда.

Одил ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

Муаллималик Муҳаббат опанинг эзгу иши шу билан биргаликда Худо унга ато этган истеъдоди ҳамдир. Беҳудага хориждан келган маърифатпарвар кишилар унинг дарсларидан ҳайратга тушмаган. Унинг айтишича, айни тарих фани ватанпарвар шахсни тарбиялаб, камолга етказади. Ўтмишимизни, авлод-аждодларимиз тарихини билиш кишида ўзи туғилган заминга муҳаббат уйғотади, шу туйғунинг ўзи беихтиёр Ватан учун қайғуришга, унинг бир парчасини-да, кўзга суртишга ўргатади. Ёшлар қалбига бу муқаддас туйғу тарих фани орқали кўпрок кириб боради.

КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ЭЗГУ МАҚСАДИМ

- Эсимда, биринчи синфга борган кезларим эди. Бизга сабоқ берган муаллим нечоғли кўзимга улуғвор кўринган ва ўшандаёқ «Катта бўлсам, албатта ўқитувчи бўламан», деб кўнглимга тугиб қўйган эдим. Муаллимлик касбига бўлган муҳаббат менга яна отамдан ўтган бўлса эҳтимол. У киши узоқ йиллар мактабда дарс берганлар. Ҳамиша касб, мактаб иш-ташвишларини шахсий ҳаётлари манфаатларидан устун қўярдилар. Шунинг учунми, оиламизда 6 фарзанд ўқитувчи бўлиб етишдик. Раҳматли дадам бу касбни нақадар севиши, ардоқлаши ҳамиша ёдимда. Биласизми, илк бор синфга кирган бола сиздан ниманидир кутади, кузатади. Ўқитувчи аввало боладаги ана шу масъум туйғуни йўқотмаслиги керак. Айни шу туйғу учун тинимсиз изланиши, ўз устида ишлаши керак.

- Муҳаббат опа, сиз мукаммал, етук шахсни тарбиялашда ўқитувчининг тутган ўрнини қандай баҳолайсиз? Етук шахс туғма бўладими ёки кейин тарбияланиб, шаклланадими?

- Менимча, шахс тарбиясида ўқитувчининг роли беқиёс. Тўғри, табиатан истеъдодли етакчи шахслар Худонинг иродаси билан туғилади. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар бир болада жўн қилиб айтганда, нимадир бўлади. Ана шуни юзага олиб чиқиш, уни кўтариш айни ўқитувчининг вазифаси. Сиз жон-дилингиз билан сабоқ берсангиз, кўнглингиздаги гапларни у билан ўртоқлашсангиз, беҳуда кетмайди. Бола буни ҳис қилади. Ана шунда муаллимлик истеъдоди намоён бўлади. Фанлар қанчалик мушкул, қийин бўлмасин, агар ўқитувчи моҳир устоз бўла олса, ўз касбини чуқур билса, худди шу йўналишга болада қизиқиш уйғота олади. Муваффақият калити унинг қўлида бўлади. Яхши ўқитувчи болани ўз касбидан, яъни ўз фанидан бездирмайди. Бу борада, яъни шахс тарбияси ҳақида баҳс қилиш мумкин. Агарда синфга шунчаки кириб, вақт ўтказиш пайида бўлсангиз, билингки, ўзингиз ўқитаётган фанга ўша куниёқ муҳаббат сўнади. Ўқитувчилик касбини бекорга нина билан қудуқ қавлашга ўхшатишмаган. Ахир мисқоллаб тўплаган ҳурматэътиборингизни бир зумда йўққа чиқаришингиз ҳеч гап эмас. Менинг фикримча, ўқитувчи замон билан ҳамнафас бўлиб бориши, оламда рўй бераётган воқеалардан хабардор бўлиши керак. Керак бўлса, у сиёсатдон бўлиши, спортни, айтайлик, футболни яхши кўриши керак. Ахир қаршингизда ашаддий футбол мухлиси турган бўлса, кечалари севимли командасининг ғалабасини тилаб чиққан бўлса, сизнинг арзимаган ҳаракатингиз, масалан, футбол ҳақида айтган бир оғиз беписанд сўзингиз билан унинг сизга бўлган ҳурматини сўндирасиз. Бу билан сиз билимингиз савиясини сездириб қўясиз, унинг сиздан ихлоси қайтади, ўқитаётган фанингизга муҳаббати пасаяди. Бунда сизнинг қандай фандан дарс беришингизнинг аҳамияти йўқ. Ҳозир фантехника чўққига кўтарилган камолот асри. Айни шу нарса биздан олдин ўтган касбдошларимиздан кўра зиммамизга катта масъулият юклайди.

- Мактабингизда амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

- Биз Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилаётган «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловида, мана, уч йилдирки, муваффақиятли қатнашиб келмоқдамиз. Икки марта биринчи ўринни эгалладик. Бу йил бизга олий ўринни эгаллаш насиб этди. Буларнинг бари кишини хурсанд қилади.

Маъсума АҲМЕДОВА суҳбатлашди

Суратда: Муҳаббат Тўраева хорижлик меҳмонлар билан

КОМПЬЮТЕР КУРСИДА

ёшлар бепул ўқитилди

Ёшларни чуқур билимли ва маънан юксак ахлоқли баркамол қилиб тарбиялашда Қарши маданият коллежи жамоаси ибратли ишларни амалга оширяпти. Ушбу илм масканида 679 нафар талабаларга давлат таълим стандартлари асосида билим берилляпти.

Коллежда 162 нафар малакали педагог ишлайди. Билим даргоҳининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Умида Хушвақтова бу йил «Шуҳрат» медали, актёрлик ва режиссёрлик бўлими муаллимаси Бекач Беканжиева «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди. Вилоятда ўтказилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуидаги тадбирда учинчи босқич талабалари Зуҳра ва Умида Рўзимовалар чуқур билимга эга эканликларини намойиш қилишди. Ўрта махсус ўқув юртлари фан олимпиадаларида Абдукарим Ражабов математика, Гавҳар Шодиева инглиз тили фани бўйича биринчи ўринни эгаллашди. Маданият ташкилотлари ўртасида уюштирилган «Алла» кўрик-танловида талаба Насиба Бегматова биринчи ўрин, «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларининг республика босқичида коллежнинг Амир Темур жамоаси фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт беллашувларида биринчи босқич талабаси Раҳим Рўзиев 100 метрга югуриш бўйича олтин медал соҳиби бўлди.

100 ўринга мўлжалланган ётоқхона, 180 ўринли ошхона, спорт зали, баскетбол, волейбол, теннис майдонлари, 3 та лингафон, 2 та компьютер, физика, химия, тарих, адабиёт, «Миллий истиқлол ғояси», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш», «Маънавият ва маърифат» хоналари, ўнлаб фан тўгараклари фаолият кўрсатяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори асосида ибратли ташаббусга қўл урилди. Шаҳар прокуратураси ва илм маскани жойлашган Беглар маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда 20 нафар балоғатга етмаган ёшлар «Компьютер олами» курсида бепул ўқитилди. Курснинг иккинчи навбатида 50 нафар йигит-қизлар ўқишга жалб этилди.

Маҳалла қўмитаси ва педагог жамоа ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Коллежда ўтказилган «Ватанни севмоқ иймондандир», «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш», «Маҳалланг ота-онанг», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Огоҳликка даъват» каби мавзулардаги учрашувлар, бевосита мулоқотлар ёшларда катта таассурот қолдирмоқда.

ЁЛҚИН

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар ҳамда Халқаро кариялар кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш, унга чуқур билим бериш, кўникма ва малака ҳосил қилишда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни беқиёс. Мазкур институтда таҳсил олаётган талабаларга билим бераётган ўқитувчилар, мураббийлар ва фахрийлар доимо эътиборда. Учрашувда 320 нафардан зиёд шундай эътиборга лойиқ устоз мураббий иштирок этди.

Байрам тадбири, шунингдек, талабалар уйларида давом эттирилди. Ёшларни комил инсон этиб тарбиялашда ўз ҳаётларини бахшида этган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда фаол қатнашаётган устозлар билан қизғин давра суҳбати ўтказилди.

Бетоб ўқитувчи, мураббий ва фахрийлар ҳолидан хабар олинди.

* * *

«Афросиёб» меҳмонхонасида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан муборакбод этиб, машаққатли, бироқ шарафли ишларида муваффақиятлар тилади. Бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ва фидокорона меҳнат қилаётган ўқитувчи ҳамда мураббийларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

- Ҳали ҳеч бир мамлакатда ўқитувчи ва мураббийларга бу қадар катта эътибор қаратилмаган,- дейди «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, кекса педагог Иброҳим Раупов. - Халқ таълимини ривожлантиришга давлатимиз раҳбари жуда катта эътибор қаратмоқда. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланишининг ўзиёқ бизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яқол намунасидир.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

(ЎзА)

«НАФОСАТ»

ИҚТИДОРЛИЛАРНИ САРАЛАДИ

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини шакллантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Турли ташкилот ва муассасалар ҳомийлигида ташкил этилаётган кўрик-танловлар, учрашувлар ана шу хайрли мақсадга хизмат қилмоқда.

Яқинда Янгийўл шаҳар марказий кутубхонасининг муҳташам ўқув зали ўқитувчи-мураббийлар ҳамда иқтидорли ўқувчи ёшлар билан гавжум бўлди. Бу ерда шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ижодкор ўқувчилар ўртасидаги «Нафосат» ёш рассомлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирда ёш рассомларнинг Она Ватанимизнинг гўзал табиати, кўҳна шаҳар ва қишлоқлари, миллий анъаналари ўз аксини топган ижод намуналари намойиш этилди. Шунингдек, Ватан, Истиқлол, миллий мафкура, қоларверса, миллий тасвирий санъат мавзуларидаги қизиқарли суҳбатлар, мулоқотлар уюштирилди.

— Тадбирни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад иқтидорли, ижодкор ўқувчиларни аниқлаш, моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг тафаккур оламини шакллантириш эди, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудираси Ханифа Ҳайдарова. — Қувонарлиси, бу мақсадга тўла-тўкис эришилди. Дўстона кайфиятда ўтган танлов кўпчиликда, айниқса, ёш мусаввирларимизда унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбир якунида кўрик-танловнинг ғолиб ва совриндорлари аниқланди. 17-ўрта умумтаълим мактабининг Д.Зокирова мураббийлигидаги ёш мусаввирлари биринчи ўринни қўлга киритишди. Кейинги ўринлар эса 16- ҳамда 12-мактаб ўқувчиларига насиб этди.

К.ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири

Суратда: кўрик-танлов иштирокчилари ўз асарларини намойиш этишмоқда



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 148-мактаб ўқитувчиси Дурдона Қосимовани ҳамкасб ва шогирдлари бирдек ҳурмат қилишади. У узоқ йиллар мазкур таълим масканида ёш авлодга биология фанидан сабоқ бериб, ўзининг етук педагогик маҳорати билан танилди. Жонкуяр муаллима айни чоғда ҳам келажагимиз эгаларининг баркамол инсон бўлиб етишишида куч ва билимини сарфлаб келмоқда.

Зокир БАКИРОВ олган сурат

ПЕДАГОГ ПСИХОЛОГ БЎЛСИН

дейди тажрибали ўқитувчи Ибодат Мусаева

Илм олиш — маънавиятимизнинг етакчи йўналиши. «Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай», деганди Имом ал-Бухорий. Миллатимизнинг келажаги, куч-қудрати ва равнақи ёш авлодга берилажак билимларга ҳам боғлиқ. Шу мақсадда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда амал қилиб келинган таълим жараёнини тубдан ўзгартириш, таълим-тарбияда давлат мезонларини жорий этиш, янги дарсликлар яратиш, билим масканларини замонавий кадрлар билан таъминлаш йўлида янги имкониятлар эшигини очди. Буларнинг ҳаммаси кўпроқ бошланғич синф ўқитувчилари зиммасига улкан мажбурият юклайди.

— Мен Ҳамза туманидаги 69-мактабга ишга келганимдаёқ бундай масъулиятни тўла ҳис этгандим, — дейди олий тоифали ўқитувчи Ибодат Мусаева. — Эндиликда биз педагоглар аввалги изланишларимизни икки-уч ҳиссага оширмоғимиз зарур. Болаларда миллий ғурур туйғуларини тарбиялашимиз, дарс ўтишда бола фикрини, дунёқарашини ҳисобга олишимиз лозим.

Ибодат Мусаеванинг педагоглик иш фаолиятига йигирма беш йилдан кўп вақт бўлди. Бу йилларнинг изланишу машаққатлари уни моҳир педагог сифатида улғайтирди, тажрибасини бойитди.

«Илк бора устозлик қилган ўқувчиларим ҳали-ҳануз мени йўқлаб келишади, — дея суҳбатни давом эттирди у. Улар «Устоз, сиз туфайли ҳаётда ўз ўрнимизни топдик, бизга берган сабоқларингиз, ўгитларингизни ҳеч унутолмаймиз» дейишади. Эсимда, биринчи бора дарс ўта бошлаганимда, синфимдаги болаларнинг аксарияти журъатсизроқ эканини сезганман. Журъатсиз бола ўзига ишонмайди, ўз имкониятларидан фойдаланишни билмайди. Мен уларни кўпинча дарсдан сўнг олиб қолардим. Кейинчалик бундай болаларда шундай ҳолат пайдо бўлдики, улар ўз кучи ва имкониятларига, келажагига ишонч билан қарай бошладилар.

Ибодат Мусаева бола билан муомалада эҳтиёткорлик билан иш кўради. Муаллима ўз ўқувчиларига эртак ёки ривоятлар сўзлаб бераётиб, «бу эртакни, албатта китобдан топиб ўқинглар» дейишни унутмайди. Шу тариқа болада китобга меҳр уйғотади. Ё бўлмаса, бирор суратни ўқувчиларга кўрсатаётиб, «расмли китобчаларда бундан ҳам қизиқарлироқлари бор» дейишни ёқтиради. Бунда болалар китоблардаги расмларга қараб фикрлашни ўрганади, тасаввурлари боийди. Топишмоқлар айтса, «ўзларинг ҳам эртага топишмоқ ўйлаб келинглар, биргалашиб топамиз», дейди. Хуллажи, синфда айтилган ҳар бир гап беиз кетмайди, балки у ўқувчи онгида гўзалликка, эзгуликка меҳр ҳисларини тарбиялайди.

Ибодат Мусаева ёш авлод таълим-тарбиясига салмоқли ҳисса қўшаётган педагог. У ишлаётган мактаб директори Евгения Сергеенко, педагоглар Зуҳра Маллабоева, Ирода Соиповалар ҳам бизнинг бу фикримизни жону дилдан тасдиқлашди.

Г.ЖАМИЛОВА

Суратда: Ибодат Мусаева севимли болалари қуршовида

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ



Республикамиздаги барча муаллиму устозларни, олиму фузалоларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан қизғин муборакбод этади!

Келажагимиз ворислари — ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди!



Тадбир

«МАҲАЛЛАМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ»

кўрик-танлови кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди

Оҳангарон тумани маданият уйида туман кичик ва ўрта бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан «Маҳалламиз тадбиркорлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Маҳаллалар мавқеи ва мақомини юксалтириш, миллий қадрият ва анъаналаримиз нуфузини кўтариш, кам таъминланган оилалар, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш, қолаверса, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир катта қизиқиш уйғотди. Турли мавзулар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этган иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Бундан ташқари, тадбир давомида ҳозирги кунда туман тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган турли хил маҳсулотлар кўргазмаси ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

– Танлов тадбиркорларимиз ўз билим ва маҳоратларини яна бир бор синовдан ўтказиб олишлари учун имконият яратди, – дейди туман тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Гулчеҳра Пўлатова. – Танлов қатнашчилари санъат ва адабиёт борасидаги истеъдодлари билан ҳам томошабинлар эътирофига сазовор бўлишди.

Тадбир ниҳоясида кўрик иштирокчилари туман ҳокимлиги, тармоқ ходимлари касаба уюшма кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, танловдан ташқари ўз кўргазмалари билан тадбирда қатнашган тадбиркорларга ҳам эҳтиром кўрсатилди.

О.КАМОЛОВ,
«Ишонч» мухбири



Обуна-2004

«МУЛОҚОТ» ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

«Мулоқот» журналининг энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, унда республикамизнинг фаол ва таниқли олимлари, мутахассислари билан биргаликда оддий замондошларимиз ҳам ўз фикрини, юрак сўзларини изҳор этишмоқда. Илк сонидан ҳурлик ва озодлик жарчиси сифатида майдонга келган бу нашр мустақилликни мустаҳкамлаш, умуммиллат ва Ватан манфаатлари йўлида фидойилик билан иш юритди. Мустамлакачилик йиллари хўрланган ва камситилган тарихимизни, улкан маънавиятимизни, қадриятларимизни, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини кенг халқ оммаси ўртасида тарғиб қилди ва ўтган қисқа даврда журнал ўз ўқувчисини топди.

Ёшларни маънавиятга, меҳр-оқибатга, вафо ва садоқатга, эътиқодли бўлишга чорлади. «Мулоқот» ана шу тарзда ижтимоий фикрга айланди. Зеро, жамиятда яшаётган ҳар бир инсон, фикр билан яшайди, уни амалга оширишга интилади. Бу ғоянинг, фикрнинг умумийлиги шахсларни, миллатни, ҳалқни бирлаштириш учун хизмат қилади.

Янги йилда чоп этилажак сонларда халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган мақолалар билан бирга инсонпарвар жамият ва баркамол шахс, ҳуқуқий мерос, маънавият ва мафкура, илм ва эътиқод, маърифат ва камолот ҳақида баҳс ҳамда мунозаралар эълон қилинади. Шунингдек, табаррук сиймолар – Ойбек, Уйғун, Ҳамид Олимжон ҳаётига оид янги маълумотлар эълон қилиш билан бирга истиқлол учун хизмат қилаётган юртдошларимиз ҳақида қизиқарли лавҳалар бериб борамиз.

Ҳар қачонгидек, ҳалол ва фидойи бўлиш, мамлакатда рўй бераётган бунёдкорлик, тинчлик ва осойишталик, Юртбоши ва она заминга садоқат, халқимизнинг урф-одатлари, миллий анъана ва удумлари ёритилган, экстремизм ва халқаро терроризмни қораловчи мақолалар билан бирга умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳам суҳбатлар ўқийсиз. Яхшиси фурсатни бой бермай, «Мулоқот»га обуна бўлинг.

Нашр кўрсаткичимиз – 844

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

Куни кеча Қарши шаҳрида Очиқ жамияти институти — Кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва «Мулоқот» нодавлат-нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида «Гендер ва оммавий ахборот воситалари» мавзуида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида фаолият кўрсатаётган журналистларнинг ҳудудий семинари ўтказилди. Анжумандан кўзда тутилган асосий мақсад бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган гендер масаласига журналистлар эътиборини қаратиш, айни масала юзасидан уларнинг ўзаро фикр алмашиши ва оммавий ахборот воситаларида гендер стратегиясини ишлаб чиқишга кўмаклашишдан иборат.

ГЕНДЕР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Семинар чоғида гендер тушунчаси таҳлили, жамиятда аёл ва эркакнинг ижтимоий мақоми ҳамда ОАВда гендер стратегияси қандай бўлиши каби масалаларга бағишланган муҳокама бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги газета таҳририятлари, телерадиостудиялар, нодавлат ташкилотлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирок этди.

Т.ШЕРНАЕВ

Нуқтаи назар

Мен жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва овозига эга бўлган ўзбек дипломатияси ҳақида эмас, балки ташқи дунёни забт этган ўзбек журналистлари ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

ТАШҚИ ДУНЁГА ЙЎЛ

Мустақиллигимизга эндиликда ўн икки йилдан ошди. Ана шу даврда ўзбек журналисти бормаган қитъа, эътиборли мамлакат ёки катта шаҳар қолмади. Шубҳасиз, бу борада тележурналистларга тенглашиб бўлмайди. Раимбой Ражабов, Эльвира Тухватулина, Бобур Алихонов, Садриддин Суяров, Михаил Гойзенштейн, Севара Турсунова, Муҳаммад Исмоил, Рихситилла Умаров сингари ўнлаб журналистлар дунё кезиб юришибди. Уларнинг Йоханнесбург ва Сиднейдан, Бағдод ва Мосулдан, Банкгог ва Сеулдан, Дакка ва Чэндудан, Майниц ва Лас-Вегасдан берган репортажларини кўриб беихтиёр фахрланиб кетасан киши.

Ташқи дунёдаги ҳаётни холис ва ҳаққоний, кўз билан кўриб, қалбан ҳис этиб, таъсирланиб ва таассурот олиб ёзаётган журналистлар газеталаримизда ҳам кўп. Имконият бўлса бас, хорижга чиқиш учун уларга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Сафар таассуротларини ёзишда сўз эркинлиги, фикр эркинлиги мавжуд. Журналист йўриқномасига муҳтож бўлмаган хориж сафари кечинмаларини ёзишга ўтирганида ҳам ҳеч кимнинг маслаҳатига зор эмас. Ҳаммаси истак-хоҳиш, виждон амри билан бўлади. Мен бу жараённи тажрибадан ўтказган ва хорижга чиқиб келаётган кўплаб ҳамкасблар ижодини кузатиб бораётган журналист сифатида айтаяпман. Ёш ҳамкасбларимиз шуни билиб қўйишлари зарурки, биз журналистлар бундай имкониятга, яъни эркинликка фақат мустақилликдан кейин эга бўлдик. Олдин бутунлай бошқача эди. Агар қиёслаб фикр юритсак, нафақат мустақилликнинг моҳиятини, балки сўз эркинлигини ва матбуот эркинлигининг аҳамиятини ҳам англаб етамиз.

Илгари ташқи дунёга чиқишнинг ўз ёзилган ва ёзилмаган қонунлари бор эди. Биринчи шарти – борадиган давлатингиз социалистик мамлакат бўлиши керак. Булар асосан ўша пайтда собиқ шўро империясининг кучли таъсири ва қатъий назоратида бўлган давлатлар. Шунда ҳам ёлғиз чиқишга рухсат йўқ, фақат ишлаб чиқариш илғорларидан иборат туристик гуруҳ таркибида бориш мумкин эди. Кўрсатма-йўналиш фақат мақтаб ёзиш, у ерлардаги ҳаётни улуғлаш, социализмга ҳамду сано ўқиш. Социалистик лагерга кирган, айтайлик, Югославия, Руминия, Куба, ГДР, КХДР, Вьетнам каби мамлакатларга ҳам махсус туристик гуруҳлар ҳамда турли расмий делегациялар таркибида бориш мумкин эди, бироқ ҳар бир журналист махсус суҳбатдан ўтказилиб, йўриқнома билан «қуролланти-рилади», яъни советларга ёки совет кишисига нисбатан бирорта иғвогарлик, нодўстона хатти-ҳаракат, ҳурматсизлик содир этилса одам ўзини қандай тутиши кераклиги, айниқса, баъзан совет сиёсатини очиқ танқид қиладиган Руминия билан Югославияга борганда жуда-жуда ҳушёр бўлишни, қайтгандан кейин яхшиси бу мамлакатлар ҳақида ҳеч нарса ёзмаслик маслаҳат бериларди. Тито билан Чаушескунинг сиёсати совет ҳукуматига ёқмасди. Шунинг учун журналистлар Руминия билан Югославияда кўрганларини, у ерлардан олган таассуротларини матбуотда очиқ ёзишолмасди. Ўша пайтда бундай тақиқ-ўлчов ҳатто совет мустамлакаси ҳисобланган Литва, Латвия, Эстония республикаларига нисбатан ҳам қўлланар эди. Чунки бу республикаларнинг маҳаллий халқлари ўртасида норозилик кайфиятлари кучли эди. Мен буни Литва ва Латвияда бўлганимда ҳис этганман. Тўғриси, ўшанда Болтиқбўйи республикаларида бўлиш хорижда бўлгандай гап эди.

У пайтда капиталистик мамлакатларга чиқиш амри-маҳол эди. Бу нарса камдан-кам журналистга насиб этарди. Боришни исташнинг ўзи тегишли идораларда шу одам ҳақида гумон пайдо қиларди. Мабодо мўъжиза юз бериб, капиталистик дунёга чиқиш насиб этгудек бўлса, етти авлод уруғ-аймоғингиз-у дунёқарашингиз текширилиб, сўнг шартлар кўндаланг қилиб қўйилар эди. Биринчи шарт шуки, борган давлатингиздаги ҳаётни, аниқроғи, капиталистик дунёни танқид қилиб мақола ёзиш керак. У ерда яхши нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Олган таассуротларингиз, албатта салбий бўлиши шарт. Иккинчидан, борган давлатингизнинг фуқаролари билан якка ҳолда алоқа ўрнатиш, учрашиб суҳбатлашиш, эркин фикрлашиш мумкин эмас. Журналист бўлсангиз ҳам бунга ҳаққингиз йўқ. Бундай ваколат фақат гуруҳ раҳбарига ёки делегация бошлиғига бериларди. Сизни ўзингиз билан бирга борган «кўз» ва «қулоқ»лар кузатиб юради. Мабодо ўзбошимчалик қилсангиз «сотқин» номини олмаганингиз тақдирда ҳам, ишингиздан ажралиб қоласиз ёки номингиз бадном бўлади. Агар борган жойингизда капитализмнинг чириб,ўлиб бораётганлигини, социализмнинг эса тобора гуллаб-яшнаётганлигини исботлашга ҳаракат қилсангиз, сизни янги мансаб-мартаба ёки яна бир капиталистик мамлакатга саёҳат кутиши ҳеч гап эмас.

Биз журналистлар нафақат капиталистик дунёни кўришни, балки ўша дунёдан келган ҳамкасбимиз билан оддий мулоқотда бўлишни ҳам орзу қилардик. Бироқ онда-сонда Тошкентга келиб кетадиган хорижлик журналистларга ҳам яқин йўлатишмасди, агар учрашув бўлса саволга йўл беришмасди. Умуман, мен совет даврида хориж журналистлари билан ўтказилган бирон-бир матбуот анжуманини эслай олмайман.

Эсимда бор, бир марта Сочидаги учрашувда марказий телевидение мухбири Потапов Брежневга халқаро мавзуда савол бериб балога қолган. Миллий республикалардаги журналистлар эса дунё сиёсат оламидаги жараёнларни шарҳлашдан йироқ эдилар. Шу жумладан, биз ўзбек журналистлари ҳам ташқи дунёга чиқишдан маҳрум бўлиб, жаҳондаги ҳолатни фақат ТАССнинг шарҳи бўйича баҳолардик.

Ана энди ҳозирги кундаги ҳолатни ўша давр билан қиёслаб кўринг. Бутунлай бошқа дунё, бошқа муносабат, бошқа имконият. Агар ташқи дунёга чиқаман десангиз, хоҳлаган давлатингизга йўл очиқ. Виза очиб, жўнаб кетавераз. Ҳеч қандай тўсиқ йўқ; суҳбатдан ҳам ўтмайсиз, йўриқнома ҳам кераксиз. Журналист бўлсангиз қандай ёзиш, нимани ёзиш ёки ёзмаслик кераклигини ҳам айтишмайди. Қайси давлат ва қандай тузум бўлишидан қатъи назар хориждан олган таассуротларингизни қандай ёзсангиз, матбуотда шундайлигича босилади. Ишонмасангиз ташқи дунёга чиқиб келаётган ўнлаб, юзлаб журналистлардан сўранг. Агар олдинги ҳолатга қиёсласангиз, ҳозир худди мўъжиза юз бергандай. Ахир бу мустақилликнинг шарофати эмасми?! Мустақиллик нима берди, дегувчиларни мулзам қиладиган ҳолат эмасми?! Ҳамма соҳада бўлгани каби журналистикада ҳам истиқлолнинг қадри қиёслаганда билинади. Сўз эркинлиги ва матбуот эркинлигининг моҳиятини ҳам қиёслаганда англаб етасиз.

Мен Тошкентда ҳам, ташқи дунёга чиққанимда ҳам доим хорижлик ҳамкасблар билан мулоқот қилишга қизиқаман. Ана шу жараёнда бир нарсани кузатдим. Улар ўзлари ва ўз давлатлари ҳақида камгап. Иложи борича ўзларини бундан олиб қочишади. Агар интервью олмоқчи бўлсангиз, бунга бошлиғининг рухсати кераклигини айтишади. Биз бўлса бирорта хорижлик журналист мурожаат қилса, ҳеч кимнинг рухсатисиз ҳам саволларига жавоб бераверамиз. Баъзан кулгули ҳолат кузатилади. Яъни, ўзлари ва ўз давлатлари ҳақида гапиришни исташмагани, дунёнинг турли нуқталарида юз бераётган можароларга муносабат билдиришни хоҳлашмагани, ҳатто оддий иш тартиби ва иш ҳақини айтишни журъат этишмагани ҳолда, биздан гап очилса жонланиб кетишади ва кимнинг мақоласи қайси газетада босилмаганидан тортиб ким қачон ҳайфсан олганигача мириқиб гапиришади. Керак бўлса бошлиқнинг буйруғини ҳам ўқиб беришади. Биз эса худди шу «демократик матбуот» вакили ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Бу ҳақда билиш, қизиқиш ўрнига унинг телба-тескари саволлари олдида довдираб қоламиз. Баъзи ёш ҳамкасбларимиз эса «демократик матбуот» вакилларини эркинлик ва ҳақиқат тимсоллари деб билишади. Тавба, дейман баъзан ўзимга-ўзим, бунчалик содда бўлишмаса улар.

Шубҳасиз, бу яқин ўтмишни билмасликнинг оқибати. Назаримда бизнинг баъзи ёш ҳамкасбларимиз олдинги давр ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмаслар. Шунинг учун қиёслаб хулоса чиқаришга ожизлик қилишади. Мен ушбу мақоламда уларга ана шуни эслатиб қўйишни жоиз деб топдим. Зора, асқотса. Мустақиллик бизга ташқи дунёга чиқиш ва жаҳонни таниш имкониятини берган экан, бу имкониятдан халқнинг шаънини, Ватаннинг обрўсини ошириш, истиқлолнинг қадрига етиш, сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги моҳиятини англаш, ўзимизнинг бошқалардан кам эмаслигимизни ҳис этиш ва кам бўлмаслигимиз учун пойдевор яратиш йўлида фойдаланмоқ лозим.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

Рангтасвир

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида наманганлик ёш мусаввир, Машраб номидаги мукофот совриндори Ҳайдарали Усмонов асарлари асосида очилган кўргазма санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди. Унча катта бўлмаган, ихчам кўргазмадан ўттиздан ошиқ манзара, портрет ва натюрмортлар ўрин эгаллаган. Улардан мусаввирнинг ўз қишлоғи манзаралари, маҳалла одамлари ҳаёти ва фасллар гўзаллигини қай даражада ички муҳаббат билан акс эттирганини сезиш қийин эмас.

СЎЛИМ ДИЁР НАВОСИ

Кўргазманинг «Наманган наволари» деб аталиши бежиз эмас. Жаҳонга сиғмаган шоир руҳига Наманган кучли ҳаётбахш маъво бўлиб таъсир этган.

Наманган шаҳридин кетсам, мени йўқлар кишим борму?
Ғариблик шаҳрида юрсам, мени йўқлар кишим борму?

Ҳайдарали Усмонов асарларини томоша қилар экансиз, шоҳ Машраб ғазаллари кайфиятига бир қадар яқинлик ҳис этасиз. Кўргазма залида санъат мухлисларининг «менга кўчаларга бағишланган асарлари, қишлоқ, тоғ кўринишлари, сой бўйлари тасвирлари ёқди», деган сўзлари қулоққа чалиниши аслида рассомдаги тасвир маҳоратидан қониқиш, мамнунлик ҳисси ифодасидир.

Мусаввирнинг жиддий изланишлари оламнинг ўзига хос рангларини топиб тасвирлашда кўзга ташланади. Табиийки, изланишлар камчиликсиз бўлмайди. Шунга қарамай ижодкорнинг асардан-асарга ўсиб бориши кишида катта умид уйғотади. Ижодкорона синчковлик, майда деталларни ҳам эътибордан қочирмаслик ва табиийликни бузиб қўймаслик каби жиҳатлар Ҳ.Усмоновнинг ютуқларини кўрсатиб турибди. Шунинг учун манзаралар ифодасими ёки натюрморт ва портретлардами ҳаётийлик барқ уради. Шоир Собир Абдулла айтмоқчи:

Ҳавойи сўзларга тўлдирмай қоғоз,
Ҳаёт суви ила ижодинг ҳўлла, -

деган даъват ижодий жараён учун шиор қилиб олинган.

Шўро замонида санъат ҳақидаги тушунчамизда Оврўпа тасвирий санъатига ҳаддан ташқари юқори баҳо бериш ўрнашиб қолган эди. Шишкин, Куинджи, Саврасов, Васильев, Юонларни илоҳийлик даражасига чиқарардик. Миллий мусаввирларимиз ишлари эса беписандлик билан баҳоланарди. Ваҳоланки, улкан маънавий илдизимиз уларда ўз ифодасини топган эди. Ҳозирги пайтда миллий ўзлигимизни қайтадан кашф этишда юртимиз рассомларининг хизмати катта бўлмоқда. Шу маънода Ҳайдарали Усмоновнинг «Қишки булоқ», «Қуёшли кун», «Қуёшли кўча», «Қуёшли қишлоқ», «Сувда қуёш»,«Ғовада баҳор», «Ёзда», «Куз»,«Баҳор», «Оқшом», «Сой бўйидаги уй», «Синчалак» каби рангтасвирлари катта аҳамиятга эга. Уларни бирма-бир томоша қилган киши Наманган табиатининг ниҳоятда ҳуснга бойлиги ва жозибасидан завқ туяди. Нафақат манзаралар, воҳа одамларининг ҳаёт тарзларига доир тасвирлар ҳам юксак маҳорат билан ишланган. Ҳовли, кўча ва сой бўйларида юрган аёлларнинг миллий қиёфаси, ўзбекона ҳаё-иболари акс этган суратлар таъбингизни равшан қилади, руҳингизни поклайди. Маҳалла одамларининг ҳаракати, қуёш нури, пастликка тушиб турган ёруғлик ва соялар, дарахтларнинг сувдаги акси ниҳоятда жонли ифода касб этган. «Мунис», «Кумуш», «Мўътабар» портретларида гўзаллик, миллий қиёфаларни янада чуқур ҳис этамиз. Натюрмортларда эса табиат тўкинлиги, шукроналик ўз аксини топган.

Маҳмуд Рамазон АҲМАДИЙ,
санъатшунос

ҲАРБИЙ ҚИСМДАГИ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинлари бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда «Ватан - муқаддас даргоҳ» мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Унда таниқли ёзувчи, шоир ҳамда хонанда ва қизиқчилар иштирок этди.

- Мақсадимиз навқирон йигитларимиз - ҳарбийларни бугун мамлакатимиз маънавий оламида юз бераётган янгиланишлар билан таништириш, Ватанга, халққа, Президентга садоқатли аскарлар этиб тарбиялашдан иборат,- дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Турғун Холиқов.

Тадбир қизиқарли савол-жавоблар, баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Учрашув сўнгида янграган кўй ва қўшиқлар кечага алоҳида файз бағишлади.

МИРЗАЧЎЛДА ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳрида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан ўн жамоа иштирок этди. Полвонлар ўн бир вазн тоифасида гиламга чикди.

Муросасиз кечган беллашувда ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

«Пахтакор деҳқон бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жорий йилда кўплаб ободончилик ишларни амалга оширди. Бу ерда 245 та савдо ўринлари таъмирланди. Деҳқонлар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харидорларга сифатли етказиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Ш.САРИЕВ олган сурат

ЁШ ОНАЛАР УЧУН

Республикамиз болалар боғчаларида кичкинтойлар турли хил дидактик ва таълимий ўйинлар асосида билим кўникмаларини ҳосил қилишмоқда. Бу таълимий жараённи кенг йўлга қўйиш мақсадида «Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» истиқбол дастури ишлаб чиқилди.

Шу дастур доирасида «Оналар мактаби» таълимий лойиҳа ҳам юзага келди. Ёш оналар учун ўқув машғулотлари олиб бориш, зарур ўқув адабиётлари билан қуроллантириш мақсадида қатор қўлланмалар яратилди. «Болангиз мактабга тайёрми?» услубий қўлланма, унинг ишчи дафтарини чоп этиш учун БМТнинг ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси етарли маблағ ажратди.

Шунингдек, жамғарма маблағи ҳисобидан «Шарқ халқаро эртаклари», «Топган топалоқ», «Меҳрга йўғрилган қўшиқ» сингари буклетлар босиб чиқарилди.

ЯНГИ ИНСТИТУТ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-гуманитар, ижтимоий-иқтисодий илмий изланишлар кўлами кенгайиб кетди. Бундай жараёнлар жамиятнинг барча қатламларини такомиллаштириш ва ривожлантириш аҳолининг жамиятни бошқаришдаги ҳуқуқ ва тутган ўрнини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун кенг имкониятлар туғдирмоқда. Айни вақтда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини, уларнинг ижтимоий фаоллигини ўстиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Хабарлар оқимидан

Бу каби масалаларни илмий асосда тадқиқ этиш мақсадида Тошкентда фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташкил топди. Бу нодавлат нотижорат муассасаси фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий асосларини шакллантириш, қатор муҳим ҳуқуқий муаммоларни ечимини топиш каби масалалар бўйича тадқиқотлар олиб боради.

Институтнинг яқинда бўлиб ўтган дастлабки илмий йиғилишида унинг фаолияти билан боғлиқ вазифаларнинг муҳим жиҳатлари белгилаб олинди. Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Етакчи фирма, хусусий корхона, ҳудудий бирлашмалар раҳбарлари иштирок этган бу йиғилишда бошқа яна қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

А.АЛИЕВ

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 1 2 3 4 5 6